



2013 yil "05" июл

№ 668-К

Самарқанд т.-р. Самарқанд

Самарқанд туман «Улуғбек» қишлоқ фуқаролар йиғини «Янгиарик» маҳалласи худудидан фуқаро Қурбонов Ўқтамга миллий хунармандчилик цехи қуриш учун 0,20 га ер майдони ажратиш ҳақида.

Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг 2013 йил 22 февралдаги 15 рақамли баёни, Самарқанд туман ҳокимининг 2012 йил 5 декабрдаги 1339-Қ сонли ер майдони танлаш ҳақидаги қарори, Самарқанд вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2012 йил 18 сентябрдаги 970-сонли хулосаси, Самарқанд вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси томонидан тасдиқланган 62-сонли архитектура режалаштириш топшириғи, фуқаро Қурбонов Ўқтамнинг туман ҳокимлигига берган аризасини инobatга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг 2013 йил 22 февралдаги 15 рақамли баёни тасдиқлансин.
2. Самарқанд туман «Улуғбек» қишлоқ фуқаролар йиғини «Янгиарик» маҳалласи МЧ «Гулистон агротехсервис» агрофирмаси ер харитасининг 486 контуридан фуқаро Қурбонов Ўқтамга миллий хунармандчилик цехи қуриш учун жами 0,20 га (шундан: 0,20 га туман захира ерлари ҳисобидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган) ер майдони ажратилсин.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2014 йил 1 январ ҳолатидаги ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (О. Исмоилов) ва Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Т. Шаропов)га топширилсин.
4. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О. Мухторов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Садуллаев